



Fidoyilik –  
Vatanga xizmat demak!

# Zarafshon

www.zarnews.uz  
https://www.facebook.com/zarnews.uz  
@zarnews\_uz  
https://twitter.com/zarnews\_uz

Кун ҳикмати

Аламзада  
киши учун  
кимни,  
нимага танқид  
қилишнинг  
аҳамияти йўқ.

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

zarafshonbot



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг

2021-yil 8-aprel, payshanba, 41 (23.477)-son

## Туризм ва спорт вазирлиги ташкил этилди

Президент Ш.Мирзиёевнинг 2021 йил 6 апрелда қабул қилинган “Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига кўра, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси негизида Туризм ва спорт вазирлиги ҳамда вазирликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) бўлимлари ташкил этилди.

Туризмни ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш Туризм, спорт, маданий мерос, транспорт логистикаси ва хизматлар соҳаларида давлат-хусусий шериклик ҳамда рақамлаштиришни ривожлантириш масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш этиб қайта ташкил қилинади.

Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасида Бош вазир ўринбосари – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси лавозими тугатилди ва Бош вазир ўринбосари – Туризм ва спорт вазири лавозими киритилди.

Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос департаменти, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ҳамда Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш маркази негизида янги вазирлик ҳузурида Маданий мерос агентлиги ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ташкил этилади.

Маданият вазирлиги тизимидаги давлат музейлари, музей кўриқ-хоналар ва уй музейлари, моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари ва “Мозийдан сад” журнали мавжуд штат бирликлари ва моддий-техника базаси билан тўлиқ ҳажмда, молиялаштириш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантиришнинг амалдаги тартибини сақлаб қолган ҳолда Маданий мерос агентлигига ўтказилади.

Фармон билан моддий маданий мерос объектларини ўзгартирилиши мумкин бўлмаган ўзига хос хусусиятларини ва унинг тарихий муҳитини сақлаб қолиш мақсадига унга туташ ҳудуддаги муҳофаза теғраларида капитал қурилиш ишларини ҳамда уларга зарар етказиш билан боғлиқ фаолиятни;

рухсатнома олмасдан туриб моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини консервациялаш, реставрация қилиш, тузатиш, таъмирлаш, ҳозирги замонда фойдаланишга мослаштириш, шунингдек, улар билан боғлиқ илмий ва илмий-техник тадқиқотлар, лойиҳалаш ҳамда ишлаб чиқариш ишларини амалга ошириш тақиқланади.

Бош прокуратурада маданий мерос соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан, шу жумладан, маданий меросни муҳофаза қилиш, асрашга доир ишлар ва улардан фойдаланишнинг оқилона ташкил этилишини назорат қилиш бўйича бўлим ташкил этилади.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг “Туризм ва спорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг туризм ва спортни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарлари ҳамда маслаҳатчилари лавозимлари тегишлигича туризм, спорт, маданият, маданий мерос ва оммавий коммуникациялар масалалари бўйича ўринбосарлар этиб қайта номланади. Ўринбосарлар бир вақтнинг ўзида тегишлича туризм ва спорт бош бошқармаларининг раҳбарлари ҳисобланади.

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб моддий маданий мерос объектларини консервациялаш, реставрация қилиш, тузатиш, таъмирлаш, илмий ва илмий-техник тадқиқ этиш, лойиҳалаш бўйича юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва ушбу соҳага етакчи мутахассисларни жалб қилиш мақсадига Тошкент архитектура-қурилиш институти ва Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида маданий мерос объектларини асраш факультетлари ташкил қилинади.



## Ёшларнинг стартап лойиҳалари учун 4 миллиард сўм маблағ ажратилган

Пандемия даврида меҳнат бозоридида ишсизлик даражаси 11 фоизга етди, ҳозирги вақтда эса 9,8-10 фоизгача пасайди. Аёлларнинг 33 фоизи, ёшларнинг 20 фоизи ишсиз. Ҳозиргача 55 минг ёшлар ва 18 мингдан ортиқ аёллар иш сўраб мурожаат қилди.

Бу рақамлар вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Уроқовнинг ёшлар билан учрашувида айтилди.

Вилоятимизда бир йилда 85 мингдан ортиқ тугилиш кузатилади, дейди Ж.Уроқов. - Лекин бизда ҳозир йилига 45 мингта иш ўрни яратил-

моқда. Меҳнатга лаёқатли 1,8 миллион кишидан 510 минг нафари солиқ тўловчи ҳисобланади. Қолганлари эса ёлланма ишчи ва хорижий давлатларга ишлагани чиқиб кетишган. Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш ва иш ўринлари яратиш учун имтиёзли

кредитлар асосида фермер хўжаликларининг ер майдонларидан ёшларга ер ажратилиб, уларнинг бандлиги таъминланмоқда. Ишбилармонликка иштиёқи бор ёшлар тадбиркорлик кўникмаларига ўқитилмоқда.

Солиштирадиган бўлсак, қўшни Қозғистонда 1,2 миллион тадбиркор бор ва бир нафар тадбиркорга 15 нафар, бизда эса бир тадбиркорга 90 нафар фуқаро тўғри келади. Рақамлардан ҳам кўриниб турибдики, барқарор фаолият юритадиган тадбиркорларимиз

ерга жалб этишга ёрдам беради. Ўтган йилги учрашувда ёшларнинг ахборот технологиялари, стартап лойиҳалари учун 4 миллиард сўм маблағ ажратилганини эълон қилгандик. Афсуски, ҳозиргача маблағнинг бор-йўғи 100 миллион сўми ўзлаштирилди, холос. Учрашувда ёшлар ўзларининг лойиҳалари, ишланмалари, ғояларини амалга ошириш борасидаги саволларига жавоб олди.

Ўқтам ХУДОЙБЕРДИЕВ,  
Бахтиёр МУСТАНОВ (фото).

Ҳасад сўзига луғатларда “кимсаннинг муваффақиятини, устунлигини кўролмаслик туйғуси, ғайирлик, бахиллик”, деган изоҳ берилган.

Хаёли бузуқ киши доимо, ҳар кимга ҳасад қилаверади. Айниқса, бошқалардай бўлганмаётганини сезгач, ғайирлиги тутди. Ҳасад аслида фикри ожиз кишида бўлади. Фикри ожиз киши эса саводсиз, илмсиз бўлади.

Ҳасад, назаримда, туғма касалликка ўхшайди. Уни даволаб бўлмайди. Хаётимда бунга кўп гувоҳ бўлганман. Демак, ҳасад билан туғилиш, ҳасад билан яшаш ўша бандога Худонинг жазосидир! Унга бундан ортиқ жазо бериб ўтирманг. Негаки, бир умр ҳасад билан яшаш хаёли ҳам, вужудни ҳам еб, адо қилади, юракни доимо азобда ушлайди. Ҳасадчи одамнинг

## ҲАСАД НИМА?

иллатми ёки касаллик?

ранги, юриш-туриши ёқимсиз бўлади. Кишилар ундан йироқ юришни, тезроқ қутулишни ўйлаб, “сеники маъқул” қабилида йўл тутгани учун у ўзини доимо ҳақ деб билади.

Ҳасад қилинадиганлар ҳам ҳасад қилишар экан. Айтишларича, ҳаммага муруват кўрсатадиган давлатмандлар ҳам барчадан кўмак оладиган гадоларга ҳасад қилишар экан. Мабодо тўғри келиб қолса, ҳасадгўй ҳар қанча уринмасин, бировни ютуғи билан табриклаганда ўзининг ғаразли муносабатини сездириб қўяди. Негаки, ҳасад – бу ички туйғу, у хаёли шайтон каби тинимсиз ғаразга чорлаб туради. Бирор кишининг ҳаракати ёки гапидан нафратлансангиз, айтиб, уришиб қутулсангиз. Бироқ ҳасадчи

билан мурося қилиб бўлмайди. Шоир Абдулла Орипов айтганидек, у мудом Сизнинг хато қилишингизни кутиб яшайди. Ҳасадчи ўзи ҳасад қилаётган кишиларнинг асаби бузилишидан, айниқса, таниқли шахсларнинг обрўсизланишидан хузур олади, қувонади. Ҳасад тўхтамайдиган, чегара билмайдиган иллат. Ҳасадчининг давоси фақат унга қонуний чора кўрилишида.

Ҳасад аслида қалб учун беҳосият, зарарли туйғу, бироқ ҳасадчи уни юрак таскинни деб билади. Ҳасадчи бировнинг қайғусидан лаззатланади. Шунинг учун ҳам халқимизда “бундай нокасларга тўнинг этаги теккан бўлса, этакнинг ўша бўлагини кесиб ташлаб қутулсан”, деган фикр бор.



Энг ёмони, ўз мақсади йўлида ҳасадчи ғийбат тухмат, ёлғон, маддоҳликдан, хуллас, дунёдаги жамики ёлғонликдан қайтмайди.

Ҳасад туғма иллатга ўхшайди. Чунки йиллар давомидида ҳасадчиларнинг ўзгарганини кўрмадим. Шунинг учун кўп ҳолларда ҳасадчиларга ютуқларимни, қувончли онларимни, иложи борича, ошкор қилмасликка интиламман. Луқмони Ҳаким ўз вақтида

шундай деб ёзган экан: Ҳасадчининг учта аломати бор: Дўст ёнида бўлмаса, уни ғийбат қилади, ёнида бўлса, тилёғламлик қилади, унга мусибат етса хурсанд бўлади.

Дарвоқе, “Қобуснома”да ҳам “Агар ёру дўст бўлмоқни тилсанг, ҳасадлик бўлмагил”, дейилган.

Хуллас, ҳасаддан ҳам, ҳасадчи бўлишдан ҳам барча-мизни Худо асрасин... Фармон ТОШЕВ.

Мулоҳаза учун мавзу

## 2021 ЙИЛГИ «ОБОД ҚИШЛОҚ» ВА «ОБОД МАҲАЛЛА» ДАСТУРЛАРИ АСОСИДА ВИЛОЯТИМИЗДА ҚАНДАЙ ИШЛАР БАЖАРИЛАДИ?

Ичимлик суви таъминотини яхшилаш ва оқова сув тизимини объектларини қуриш ва таъмирлаш учун қиймати 249,8 миллион сўмлик 38 та лойиҳа амалга оширилади, 295,2 километр тармоқ тортилади.

1039,9 километр (759,3 километр асфальтбетон, 280,6 километр кумшағал аралашмаси ётқизилади) ички йўллارни қуриш ва таъмирлаш ишлари бажарилади.

Паст кучланишли электр тармоқларини янгилаш ва модернизация қилишга 1159,2 километр электр тармоқларини қуриш, реконструкция ва модернизация қилиш кўзда тутилган. 309 та трансформатор ўрнатилади.

Туризм инфратузилмасини ривожлантириш учун 8 та тумандаги 43 минг 444 та маданий мерос объекти ва уларнинг ҳудудлари, 38 минг 256 та туризм ва ёндош инфратузилма, 26 минг йўл инфратузилмаси, 10 минг 864 та муҳандислик коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш ва 16 минг 493 та бошқа тадбирларни ташкиллаштириш режалаштирилган.

Туман марказлари ва шаҳарларнинг меъморий қиёфасини замонавийлаштириш ва ободонлаштириш мақсадига 89,7 километр йўл, 104 минг метр квадратдан пиёдалар ва велойўлаклар, 9,3 километр ирригация тизими янгиланади.

18,1 километр газ тармоқлари реконструкция ва модернизация қилинади, 83 та газ тақсимлаш пунктлари қурилади ва таъмирланади. 2740 аҳоли суялтирилган газ баллон билан таъминланади.

Алоқа ва ахборотлаштириш тизимини ривожлантириш учун 314 километр алоқа тармоқларини қуриш ва таъмирлаш ишлари бажарилади, 171 та базавий станция модернизация қилинади.

Қишлоқ ва маҳаллаларда 63 километр пиёдалар йўлаги ташкил этилади, 1238 та тунги ёритиш тизими ўрнатилади.

Ҳудудларда 17 та спорт майдончаси барпо этилади. 4544 та яқка тартибдаги уй-жойлар таъмирланади. 500 га яқин яқка тартибдаги уй-жойлар қурилади.

31 та мактабгача таълим ташкилоти, 65 та мактаб, 26 та тиббиёт муассасасида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилади. Бунинг учун 443,2 миллион сўм маблағ йўналтирилади.

11 туман-шаҳарда 21 та маҳалла биноси, Каттакўрғон шаҳар ва Булунғур туманида маданият марказлари бунёд этилади.

5 та туманда 13 та автобекат қурилади. 7 ҳудудда 11 та янги жамоат транспорти йўналиши ташкил этилади. 6 та ҳудудда чикалдихона қуриш ва уларни таъмирлаш ишлари олиб борилади.

Ургут тумани 2-сектор тажрибаси:

Хоразм вилояти масъуллари улардан нимани ўрганган?

Одатда секторлар ҳақида гап кетганда, кўпчилик уларнинг фаолияти ҳақида ижобий фикр билдиришга шошилмайди. Салбий хулоса берувчиларни эса бошқа соҳалар бўйича ҳам топиш мумкин. Ургут туманига сафаримиз давомида худуддаги секторлар фаолияти билан яқиндан танишдик.



Туман прокурори раҳбарлик қиладиган 2-сектор 25 маҳалладан иборат. Яъни, сектор штаби аъзолари, ушбу худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга масъул ҳисобланади.

ЎЗГАРИШНИНГ ОДАМЛАР ҲАЁТИГА ТАЪСИРИ БОРМИ?

Албатта, ҳеч ким оғир аҳволга тушиб қолишни хоҳламайди, аммо шуниси аниқки, ҳеч ким бундан кафолатланмаган. Сектор штаби аъзолари, эҳтиёжманд оилаларга айна шундай муносабатда бўлмоқда. Уларга имкон қадар ёрдам бериб, ҳаёти яхшиланишига ҳисса қўшмоқда.

Мисол учун, 2019 йил августда Хўжайдуқ маҳалласида яшовчи М.Жабборовнинг хонадонидида эҳтиётсизлик туфайли ёнғин келиб чиққан. Тилсиз ёв сезиларли талафотга сабаб бўлган. Ҳолатдан хабар топган сектор раҳбари аралашуви билан туман ҳокимлиги ва ҳомийлар ёрдамида шифер, зарур қурилиш моллари олиб берилган. Ҳашар ташкил қилиниб, хонадон тўлиқ таъмирланган.

2019-2020 йилларда ҳомийларни жалб қилган ҳолда сектор худудидидаги 15 нафар ёрдамга муҳтож, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар ва бошқа фуқароларнинг уй-жойлари таъмирланди, - дейди Ургут тумани прокурори, 2-сектор раҳбари Шўҳрат Холмурзаев. - Бундай ишларга яна кўплаб мисол келтириш мумкин.

Яқинда сектор штаби ташаббуси билан Жозмон маҳалласида жойлашган "Бурхон ота" базмида "Темир дафтар"да рўйхатда турувчи ҳамда боқувчисини йўқотган оилаларнинг 10 нафар воғга етмаган фарзандларининг суннат тўйи ўтказилди.

Сектор фаолиятида бу каби ишлар билан бирга худуд инфратузилмасини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мисол учун, кейинги уч йилда сектор худудидидаги 38,1 километр ички йўл таъмирланиб, асфальт қопламаси ёки шағал-тош ётқизилди. Шунингдек, 300 дан ортик маънан эскирган симёғоч алмаштирилиб, 7,8 километрлик электр тармоқ тортилди. Бундан ташқари, 19 та трансформатор таъмирланди ва 17 та янги трансформатор ўрнатилди.

Худудни марказлашган ичимлик суви билан таъминлашда бир қатор муаммолар мавжуд. Шу боис, бу борада ҳам босқичма-босқич ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Мисол учун, кўп йиллардан буён Нисбот маҳалласидаги 200 та хонадоннинг ичимлик суви бўлмаган. Уйма-уй юриб, олиб борилган ўрганишлар натижасида аниқланган бу муаммо бўйича ҳомийлик ва ҳашар йўли билан 2 та янги сув иншооти қурилди. Худудда 2 километр сув тармоғи тортилди.

Умуман, сектордаги маҳаллаларда 4 та янги сув иншооти қурилиб, 15 та эски сув миноралари таъмирланди.

КАМБАҒАЛЛИК МУАММО ЭМАС

Ургут туманида "Темир дафтар"га киритилган 7 минг 422 та оиланинг 1971 таси ёки 27 фоизи 2-сектор худудидида истиқомат қилади. Карантин даврида уларга озиқ-овқат маҳсулотлари, нақд пул кўринишидаги ёрдам, айрим оилаларнинг коммунал қарздорлиги тўланган, дори-дармон, чорва ва бошқа зарур маҳсулотлар олиб берилган.

Аммо қўлдан берганга қуш тўймас, деб бежиз айтилмаган. Сектор фаолларининг айна шу мақсадда кўрған чора-тадбирлари натижасида эҳтиёжманд оилаларнинг 2 минг 405 нафар меҳнатга лаёқатли аъзолари бандлиги таъминланган.

Худуддаги аҳоли бандлигини таъминлашда аввало, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланишга эътибор қаратилди, - дейди сектор штаби аъзоси З.Хўжайёров. - Мисол учун, баҳаво тоғ ёнбағирларида томорқадан самарали фойдаланиш бўйича бир қанча ишлар олиб борилди.

Хусусан, 2020 йил давомида Нисбот, Тароқли, Жўраптепа ва Бешкон маҳаллаларида 73 нафар фуқарога субсидия асосида, жумладан, 50 нафарига 2 сотихли ва 23 нафарига 1 сотихли иссиқхона қуриб берилди. Ҳозир маҳалласида яшовчи тадбиркорга замонавий иссиқхона қуриш учун 1 миллиард сўм кредит маблағи ажратилишида ёрдам берилган.

Шунингдек, хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантириш, шу орқали янги иш ўринлари яратиш чоралари кўриломоқда. Мисол учун, сектор

раҳбарининг кўмаги билан 3,5 миллиард сўмлик кредит маблағи эвазига Баҳрин маҳалласида замонавий ҳаммом ва хизмат кўрсатиш шохобчаси қурилди.

Олис тоғли худуд ҳисобланган Қоратепа маҳалласида яшовчи Ф.Исроиловнинг тадбиркорлик фаолиятини бошлашда амалий ёрдам сўраб қилган мурожаати асосида 500 миллион сўм кредит маблағи олишига кўмаклашилди. Натижада, маҳалла марказида "Шодиёна" диагностика ва даволаш маркази барпо этилди.

РЕСПУБЛИКАДА ТАН ОЛИНГАН ТАЖРИБА

Камбағалликни қисқартириш, аҳоли даромадларини оширишда, парранда парваришини йўлга қўйишда "Ургут тажрибаси" республикада тан олинган.

Сектор мутасаддиларининг айтишича, бунда худудда фаолият кўрсатаётган "Ургут Сифат Парранда" масъулияти чекланган жамияти билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Дастлаб 240 та оилага гўшт йўналишида 12 бош жўжа тарқатилган. Лойиҳа ўзини оқлагач, кейинги босқичга киришилган. Бунинг учун тадбиркор Туркиядан инкубатор, Хитойдан ем ишлаб чиқаришга мўлжалланган дастгоҳ сотиб олди.

Натижада, тадбиркор томонидан 30 мингта бройлер жўжа очиш, бир соатда 7 тонна ем маҳсулотлари ишлаб чиқариш қуввати яратилган. Корхонада ишсиз фуқароларга товуқчилик иши ўргатилиб, ҳар бирининг истагига кўра, хонадонда боқиш учун 10 кунлик жўжа ва ем етказиб берилмоқда.

Битта хонадонда 500-1000 тагача жўжа боқиш имконияти мавжуд, - дейди сектор котиби Беғзод Аминжонов. - Ҳар бир етилган жўжа учун 2 минг сўмдан пул бериш назарда тутилган. Яъни, худуддаги исталган оила 30-35 кунда қўшимча 1-2 миллион сўм даромад олиши мумкин.

2020 йил декабрда давлатимиз раҳбарининг топшириғига асосан Хоразм вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари бошчилигида фаоллар келиб сектор тажрибасини ўрганиб кетганди.

Бугунги кунда худудда "Темир дафтар"да қолаётган оилаларга имкониятига қараб ҳамда қайта тайёрлов курсларида ўқитиш орқали мотокультиватор, пиширик печи, тикув машинаси, пайвандаш ускунаси субсидия шартлари асосида тақдим этилмоқда.

Шунингдек, секторда "Ёшлар дафтари" ва "Аёллар дафтари" бўйича алоҳида иш олиб берилмоқда. Негаки, худудда 20 минг 718 нафар ёшлар, 21 минг 858 нафар хотин-қиз мавжуд. Улардан 11 минг 169 нафар ўғил-қиз ҳамда 13 минг 176 нафар опа-сингилларимизнинг бандлигини таъминлаш талаб этилади.

Албатта, бу иш "Бошқарув офиси" - молия, банк, ҳокимлик, газна ва бошқа молия-иқтисодий тизими ташкилотлари ходимлари томонидан худудда ўрганиш ва хатлов ишлари билан биргаликда ҳал этилади. Чунки ўрганиш натижалари ва ҳар бир маҳалла бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинмоқда.

Ё.МАРҚАЕВ.



ТИМ ТУРИЗМ ҚИШЛОҒИ БЎЛАДИМИ?

XIII асрда яшаб ўтган араб сайёҳи Ёқут Ҳамовийнинг "Мўъжамил бўлдо" китобида Тим тарихи ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган. Унда Тим Бухоро ва Чинмочин (Хитой) ўртасидаги Ипак йўли қарвонлари қўналғаси бўлганлиги баён этилган. Бухоро қарвони Хитойга ёки Хитой қарвони Бухорога ўтишда Тимда тўхтаб дам олган. Қишда ҳам, ёзда ҳам бир хил ҳароратли, маҳаллий аҳоли тилида "Жилибулоқ" дейилдиган булоқ сувидан ичишган. Бу ердаги "Қўтирбулоқ"нинг суви ва лойи турли тери ва суюқ касалликларига даво бўлади.

Шарқшунос олимлар Тим қишлоғидаги Аработа мақбараси пештоқидидаги кўфий ёзув ҳижрий 367, милодий 977-978 йилларга тегишли эканлигини аниқлашган. Бу эса мазкур мақбара қурилиши Сомонийлар сулоласи вакили Нуҳ ибн Мансур ҳукмронлиги, Беруний, Ибн Синолар даврига тўғри келади. Мақбарадан пастрокда кичиксой бўйидаги Оқмасжид эса Аработа ёдгорлигидан 20 йил кейин қурилганлиги аниқланган. Шу икки тарихий обиди ҳам қарийб минг йиллардан буён шикастасиз сақланиб, зиёратгоҳ ва масжид вазифасини бажармоқда. Тим қишлоғидан ўтган кичиксой Пиёзли тоғ бағридаги "Ғуриллоқ"дан бошланади. Қадимда ўша "Ғуриллоқ"дан кичиксой бўйлаб сопол қувурлар орқали Аработа ёнидаги қирлар билан бўйлашган сирли тупроққўрғонига, ундан ўтиб Тимдан 15-20 чақирим олисдаги Саҳоба қишлоғига тоза ичимлик суви етказилган. Ҳозирги пайтда ҳам қиш ва баҳор селлари натижасида тош-қум тупроқ остидан сопол парчалари чиқиб туради.

Илёс шайхнинг Самарқанд худудидидаги Тим тоғида яшагани, қабри ҳам ўша ерда эканлигини маълум қилган.

Яна бир манбада Тим, тарихий маданий марказ саналган Самарқанд, Бухоро, Насаф (Қарши), Кеш (Шахрисабз)дан қолишмайдиган маскан бўлганлиги, унда савдо-сотик, маданият, ҳунармандчилик ривожлангани ёзилган. Йиллар ўтиб Ипак йўлидаги қатновлар тўхтагач, Тимнинг илгариги мавқеи йўқола борган. Қишлоққа кирувчи йўллар ҳам Тимга келиб тўхтаган.

Мен 70 ёшли кекса киши сифатида бу ерда темирчилик устaxonасида турли уй-ўзғор буюмлари ясаган усталарни кўрганман. Шунингдек, аҳоли орасида чеварлик, ҳунармандчилик, деҳқончилик, чорвачилик ривожланган. Афсуски, шўрлар вақтида бу қадриятлар йўқолиб кетди.

Кейинги йилларда Тим яна обод ва гўзал гўшага айланмоқда, ичимлик суви тармоқлари, йўллар қурилмоқда, савдо-сотик жонланяпти. Бироқ Тим тарихини ўрганиш борасидида муаммолар ўз ечимини кутяпти. Ҳозир гоҳида Франция, Германия ва араб давлатларидан сайёҳлар келиб туришади. Тим яна аввалги мавқеини тикласа, туризм масканига айланади.

Солиҳон ХУДОЁРОВ, Ўзбекистон Журналистикаси ижодий уюشمаси аъзоси.

Дастлабки эшитув – қонунчиликда янги тушунча

2021 йил 18 февралда "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди.

Мазкур қонун билан жиноят ишини қуришда дастлабки эшитув босқичи киритилди.

Қоидага кўра, жиноят иши бўйича дастлабки эшитув – жиноят ишини тўхтайтиб туриш, тугатиш, бирлаштириш, айблов далолатномаси ёки хулосасини, тиббий йўсиндаги мажбурул чорасини қўллаш тўғрисидаги қарорни прокурорга юбориш ҳамда номақбул далилларни чиқариб ташлаш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда ўтказилади.

Суд тарафларнинг илтимосига кўра ёки ўз ташаббуси билан жиноят иши бўйича дастлабки эшитув ўтказилади.

Жиноят иши бўйича дастлабки эшитув судья томонидан жиноят иши бўйича дастлабки эшитувни тайинлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган пайтдан эътиборан беш суткадан кечиктирмай бошланиши керак. Дастлабки эшитувни ўтказиш давомийлиги эса у бошланган кундан эътиборан ўн суткадан ошмаслиги зарур.

Дастлабки эшитув судья томонидан ёпиқ суд мажлисида яқна тартибда, тарафлар иштирокида ўтказилади.

Тарафларни суд мажлисида қақариш тўғрисидаги билдириш дастлабки эшитув ўтказиладиган кунга қадар каммида уч сутка олдин юборилган бўлиши керак.

Суд мажлисида айбланувчи, унинг ҳимоячиси ва давлат айбловчиси иштирок этиши шарт. Уз вақтида хабардор қилинган жабрланувчи ва унинг вакили-

нинг, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгарнинг ҳамда улар вакилларининг суд мажлисига келмаганлиги дастлабки эшитувни ўтказиш учун монелик қилмайди.

Дастлабки эшитувни ўтказиш расмийлик қилувчининг маърузаси билан бошланади, маърузадан кейин у суд мажлисида ҳозир бўлганларни эшитади. Сўнгра жиноят ишига доир материаллар текширилади.

Агар бир тараф номақбул далилни чиқариб ташлаш тўғрисида илтимоснома берган бўлса, судья бошқа тарафдан унда мазкур илтимосномага қарши эътироби бор-йўқлигини суриштиради. Эътирозлар мавжуд бўлмаган ва далилларни номақбул деб эътироф этиш учун қонунда назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда судья илтимосномани қаноатлантиради.

Дастлабки эшитув натижалари бўйича судья ажрим чиқаради. Алоҳида хонада чиқарилган ажрим суд мажлисида ўқиб эшиттирилиши керак.

Дастлабки эшитувда суд муҳокамасига қўйилган масалалар ҳамда иш юзасидан тўпланган далиллар мажмуаси етарлилиги ва мақбуллиги ўрганилади. Шу маънода киритилган мазкур янгилек тергов ва суриштирув органларнинг хатти-ҳаракатлари қонунга мувофиқлиги юзасидан бевосита суд назорати ҳисобланади.

Фируз МАМАТҚУЛОВ, Самарқанд ҳарбий судининг девонхона мудир.

Шаҳар ва туманларимизнинг марказий ва гавжум кўчаларида замонавий услубларда ишланган тасвирий безаклар, реклама панноларига кўзимиз тушади. Уларнинг услуби, маъноси, хатоликлари эътиборимизни тортади.

Реклама панноларида миллийлигимиз акс этсин

Каттақўрғон шаҳрини айланар эканман, сўнги йилларда тасвирий безакларда ўзгариш бўлганлиги, миллий руҳ уфуриб турганига гувоҳ бўламан. Албатта, бунда Каттақўрғон шаҳар "Тасвирий ойна" ижодий уюشمасининг хизмати катта. Уюшма раиси, мусаввир-дизайн Бахтиёр Санаев бир нечта кўрик-танловлар ғолиби.

Эътибор берсангиз, сўнги пайтларда кўчаларда безакли рекламалар кўпайди, - дейди Каттақўрғон шаҳар Кенгаши депутати Бахтиёр Санаев. - Улар фақат иқтисодий-сиёсий, ижтимоий ҳодиса бўлиб қолмасдан, миллий урф-одатларимизни тарғиб қилиб, кишида ўз юртидан фахрланиш туйғусини уйғотади. Ватанга ва миллатга садоқатни шакллантиради. Асосий мақсадимиз республикамизда тинчлик

ва барқарорлик, миллатлараро тотувлик, янгиланиш ва бунёдкорлик жараёнларининг асл ижодкори – замондошларимизни қиёфасини акс эттирадиган кўргазмалар ташкил қилиш.

Айни кунларда "Мустақиллигимизнинг 30-баҳори" мавзусида паннолар яратялмиш. Уларда истеводли санъатшунослар, рассомлар, дизайнерлар ва меъморлар маҳорат билан ишламоқда. Муҳими, плакат, рекламалар чиқараётган миллийликка алоҳида эътибор берялмиш. Аммо аксарият ҳамкасбларимиз "катта даромад"га қизиқиб, европача либослар, тамаки маҳсулотлари ёки узоли алоқа компанияларининг мантиқсиз рекламаларини кўпайтирялмиш.

Абдуазиз ҲОШИМОВ.



Малака сертификати эгасига қандай имтиёзлар бор?

Чет тилини билиш даражасини аниқлаш ва малака сертификатини бериш жараёнлари энди Самарқандда ҳам ўтказилмоқда.

Шу пайтгача бу жараён фақат Тошкент шаҳрида ўтказилар эди. Худудларда ўз билимларини синовдан ўтказиш ва махсус сертификатга эга бўлиш истагидаги талабгорлар сафи кенгаётгани сабабли имтиҳонлар вилоятларда ҳам ўтказилар диган бўлди.

Шу кунларда Самарқанд шаҳрида ўтказилаётган тест жараёнларига вилоятдан 21 нафар талабгор иштирок этмоқда. Улардан 16 нафари В2, 3 нафари С1 даража учун инглиз тилидан имтиҳон топшираётган бўлса, 1 нафари немис тилидан В2, яна 1 нафари француз тилидан С1 даража учун синовдан ўтмоқда.

Тинглаб тушуниш, ўқиш,

ёзиш, лексик ва грамматик бирликларни матнда тўғри қўллаш, сўзлашув каби 5 босқичнинг ҳар бирида максимал 30 балдан, жами 150 балл берилади. Жами балларнинг 60 фоизидан юқорисини тўплаган талабгорларга малака сертификати берилади. Мазкур ҳужжатга эга бўлган ўқитувчилар қишлоқ жойларда дарс берса, ойлигига 30 фоиз, шаҳар мактабларида фаолият юритадиган бўлса, 15 фоиз устам тўланади. Сертификат эгаси агар ўқувчи бўладиган бўлса, олий ўқув юртига кириш учун имтиёз берилади. Масалан, тест синовларида чет тили фанидан имтиҳондан озод қилинади.

Азизабону ҚУВОНДИҚОВА.

Пайриқ туманида тадбиркор Элдор Мўминов "NEXT Construction" корхонасини очиб, 4 гектар майдонда замонавий иссиқхона барпо этди. Корея технологияси асосида ташкил этилган иссиқхонада томчилатиб сугориш тизимидан фойдаланилади. Бу ерда 50 нафар ишчи меҳнат қиялти.

– Йил бошидан буён Россия ва Қозғистонга қиймати 250 миллион сўмдан ортик 75 тонна помидор экспорт қилишга эришдек, - дейди тадбиркор Э.Мўминов. - Шунингдек, иссиқхонада кўчат ҳам етиштирялмиш. Ҳозиргача 20 минг туп кўчат сотувга чиқарилди.

Корхона фаолиятини кенгайтириш мақсадида яна 7 гектардан иборат иссиқхона қурилиши бошланган. Ушбу лойиҳа ишга тушса, туманда яна 100 га яқин янги иш ўринлари яратилади. Ширинбой МАМАДАЛИЕВ.

# Зиёлилар кутубхонага китоб совға қилди



**5-9 апрель кунлари юртимиз бўйлаб ўтказилаётган "Китобхонлик ҳафталиги" доирасида вилоят болалар кутубхонасида "Мен кутубхонага китоб совға қиламан" акцияси ўтказилди.**

Акцияда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими, бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ва ўқувчилар иштирок этди. Акцияга ҳеч бир иштирокчи куруқ қўл билан келмади. Кимдир севибли китобини, яна кимдир бугунги ютуқларига сабаб бўлган китоблар тўпламини болалар кутубхонасига тақдим этди.

Кутубхонамизда 130 мингдан ортиқ китобларимиз бор, - дейди вилоят болалар кутубхонаси директори Юсуф Мухаммади-

ев. - Шулардан 30 мингдан ортиғи электрон китоблар бўлса, 1500 таси овозли китоблардир. Болалар ўртасида китоб мутолаасини кенг тарғиб этиш мақсадида кутубхона ходимлари томонидан мактабларда китоб тақдимотлари ўтказилляпти. Бир йилда кутубхонага аъзоларимиз 22 минг нафарга етди. Китоб болалар камолотида муҳим. Мақсадимиз ҳам ҳар бир ўқувчининг китобга меҳрини ошириш. Бугунги тадбирда ташкилотлар, китобхонлар томонидан ҳам қўллаб китоблар совға қилинди.

Учрашувда иштирок этган Марказий банк вилоят бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари болалар кутубхонаси аъзолари ўртасида китобхонлик танлови ўтказиш ҳамда ғолибларни китоблар жамланмаси билан рағбатлантиришни тақдир қилди.

**Шарофат ХЎЖАНОВА.**

**Жорий йилда ёшлар бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш, тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида деҳқончилик қилиш истагидаги ёшларга ер майдонлари ажратилиши режалаштирилган. Вилоятда иш билан банд бўлмаган 160 минг нафар ёшларга 19 минг гектар ер берилди.**

Албатта, деҳқончилик қилиш учун ажратилаётган ер майдонларида сув тежовчи технологияларни жорий қилиш ва ҳар бир қарич ердан самарали фойдаланиш ички бозорни истезмол маҳсулотлари билан таъминлаш баробарида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспортга чиқариш имкониятини ҳам оширади.

17 мартгача вилоятимизнинг 14 туманида 8857 нафар ёшга қишлоқ хўжалик экинлари экиш учун 110 гектар пахта ва 2048 гектар бошқа экин майдонларидан полиз-сабзавот, картошка, дуккакли ва мойли экинлар экиш учун 2158 гектар ер майдони ажратилди. 145 нафар ёшлар кооперацияларга бириктирилган бўлса, 18 минг 783 нафар ёшнинг бандлиги таъминланди.

# 10 йиллик қурувчига 20 сотих ер берилди



Пахтачи туманининг Жона маҳалласида яшовчи Элбек Тошпўлатов иқтисодиёт ва қурилиш коллежини битиргандан бунён қурилиш ишларида ишларди. Бу йил у ҳам "Ёшлар даф-

тари"га киритилиб, худуддаги фермер хўжалигидан 20 сотих ер майдони ажратилди.

- Ҳозир 29 ёшдаман, 10 йилдан ортиқ вақт қурилиш соҳасида ишладим, - дейди Э.Тошпўлатов. - Маҳалла ходимлари менга ҳам деҳқончилик қилиш учун ер беришларини айтишди. Кейин худудимиздаги "Нурбек Ақром пахтазори" фермер хўжалигидан ўзим қатори 12 нафар ёшга тайёр хайдалган ердан ҳар биримизга 20 сотихдан майдон ўлчаб беришди. Бу ернинг 10 сотихига картошка, қолганига сабзи экишчман. Бунинг учун 2 миллион сўм харажат зарур. Лекин аввал деҳқончилик қилганим учун қанча даромад олиш мумкинлигини аниқ билмайман. Бизга ажратилган майдонга Нарпай каналдан сув келади. Агар ёзда сув танқислиги бўлмаса, яхши ҳосил олиш ниятидаман.

**Ў.ҚЎЗИБОЕВ.**

REKLAMA, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUHOJAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

## ТИББИЙ МУТАХАССИСЛАР КЕРАКМИ?

**Самарқанд давлат тиббиёт институти маъмурияти 2021 йил 14 апрель кунин Самарқанд давлат тиббиёт институти 1-клиникасида 2020-2021 ўқув йили битирувчилари ва иш берувчилар ўртасида учрашув ўтказилишини маълум қилади. Учрашувга тиббий мутахассисларга эҳтиёжи бўлган барча корхона ва ташкилот вакиллари тақдир этилади.**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИНИНГ 2020-2021 ЎҚУВ ЙИЛИ БИТИРУВЧИЛАРИ РЎЙХАТИ:**

Т/р	Таълим йўналишлари		Шу жумладан		Худудлар бўйича битирувчилар сони																												
	шифри	Номи	Битирувчиларнинг умумий сони	грант	шартнома	Бухоро вилояти		Жиззах вилояти		Қашқадарё вилояти		Қорақалпоғистон Республикаси		Навоий вилояти		Наманган вилояти		Самарқанд вилояти		Сирдарё вилояти		Сурхондарё вилояти		Тошкент вилояти		Тошкент шаҳри		Фарғона вилояти		Хоразм вилояти			
						грант	шартнома	грант	шартнома	грант	шартнома	грант	шартнома	грант	шартнома	грант	шартнома	грант	шартнома	грант	шартнома	грант	шартнома	грант	шартнома	грант	шартнома	грант	шартнома	грант	шартнома	грант	шартнома
<b>БАКАЛАВРИАТ</b>																																	
1	5510100	Даволаш иши	210	48	162	4	2	11	11	19					4	8			25	89	2	3	19		2	2	1	1	1	1	3		
2	5510200	Педиатрия иши	148	40	108			1	3	1	14								34	75	1	1	2	6	1								
3	5111003	Тиббий педагогика	61	13	48			1	4	4	3								8	37			4										
4	5510300	Тиббий профилактика	22	9	13			2	1	1				2	1				5	7			1	2									
4	5510400	Стоматология	165	16	149				13	17				2	2	1	14	73		3	32		1	1	1	1	1	1	5				
5	5510700	Олий ҳамширалик иши	66	29	37	2		2	9	1				2		10	21			10	4							5					
<b>Жами</b>			<b>672</b>	<b>155</b>	<b>517</b>	<b>6</b>	<b>4</b>	<b>35</b>	<b>26</b>	<b>55</b>				<b>8</b>	<b>21</b>	<b>4</b>	<b>96</b>	<b>302</b>	<b>1</b>	<b>6</b>	<b>16</b>	<b>67</b>	<b>4</b>	<b>2</b>	<b>2</b>	<b>1</b>	<b>7</b>	<b>1</b>	<b>8</b>				
<b>МАГИСТРАТУРА</b>																																	
1	5A510101	Акушерлик ва гинекология	11	1	10														1	7			1										
2	5A510102	Эндокринология	6	1	5														1	5													
3	5A510104	Оториноларингология	3		3															3													
4	5A510105	Кардиология	9		9															9													
5	5A510106	Офтальмология	3		3															3													
6	5A510108	Дерматовенерология	2		2															2													
7	5A510109	Неврология	7		7															5								1					
8	5A510112	Умумий хирургия	6		6															6													
9	5A510113	Тиббий радиология	6		6															6													
10	5A510117	Урология	3	1	2														1	2													
11	5A510120	Анестезиология ва реаниматология	4	2	2														2	2													
12	5A510121	Травматология ва ортопедия	4	1	3														1	3													
13	5A510123	Суд тиббиёти экспертизаси	2	1	1														1	1													
14	5A510201	Педиатрия	6	1	5														1	5													
15	5A510202	Болалар хирургияси	3	1	2														1	2													
16	5A510205	Болалар неврологияси	6	1	5														1	4			1										
17	5A510401	Стоматология (йўналишлар бўйича)	19	1	18														1	18													
18	5A510301	Гигиена (йўналишлар бўйича)	2	1	1														1	1													
19	5A510118	Морфология	1		1														1														
20	5A510206	Неонатология	2	1	1														1	1													
21	5A510111	Психиатрия	4		4														4														
22	5A510127	Спорт тиббиёти	1		1														1														
23	5A510103	Терапия (ички касалликлар)	6	2	4														1	4													
24	5A510110	Умумий онкология	3		3														2				1										
25	5A510107	Юқумли касалликлар	2		2														1				1										
<b>Жами</b>			<b>121</b>	<b>21</b>	<b>100</b>	<b>1</b>	<b>1</b>	<b>1</b>	<b>1</b>	<b>1</b>	<b>1</b>	<b>1</b>	<b>1</b>	<b>20</b>	<b>92</b>	<b>4</b>	<b>92</b>	<b>4</b>	<b>92</b>	<b>4</b>	<b>92</b>	<b>4</b>	<b>92</b>	<b>4</b>	<b>92</b>	<b>4</b>	<b>92</b>	<b>4</b>	<b>92</b>	<b>4</b>	<b>92</b>	<b>4</b>	<b>92</b>

### АНИҚЛИК КИРИТИЛАДИ

«Зарафшон» газетасининг 2021 йил 30 март, 37-сонини, 3-саҳифасида "Очик тендер танловлари ўтказилади" сарлавҳаси остида Самарқанд вилояти транспорт бошқармаси томонидан 2021 йил 4 май кунини тендер танловлари ўтказилиши ҳақида эълон чоп этилган.

### Мазкур эълондаги:

ШАЙ "464" - "Мирзаарик маҳалласи - Шоҳи Зинда АББ" шаҳар атрофи автобус йўналиши техник сабабларга кўра нотўғри қўшилганлиги учун ҳисобга олинмасин.

ШИТ "224" - "Чандир қишлоғи - Ҳазора АББ" йўналиши такси йўналиши техник сабабларга кўра қўшилмай қолганлиги учун ҳисобга олинсин.

Шунингдек, «Зарафшон» газетасининг 2021 йил 6 апрель, 40-сонини, 3-саҳифасида "Очик тендер танловлари ўтказилади" сарлавҳаси остида Самарқанд вилояти транспорт бошқармаси томонидан 2021 йил 11 май кунини тендер танловлари ўтказилиши ҳақида эълон чоп этилган.

### Мазкур эълондаги:

ШИТ "271" - "Султонобод - Зиёвиддин"; ШИТ "275" - "Қирғули - Зиёвиддин"; ШИТ "451" - "Оқтепа қишлоғи - Султонобод қўрғони";

ШИТ "303" - "Гулзор маҳалласи - (Қорақармар қишлоғи) - Булунғур АББ" йўналиши такси йўналишлари техник сабабларга кўра нотўғри қўшилганлиги учун ҳисобга олинмасин.

### БОШҚАРА МАЪМУРИЯТИ.

\*\*\*

### ТОПГАНГА МУКОФОТ!

Фуқаро Худойбердиев Тошпўлат Қодировичнинг ҳарбий гувоҳномаи Самарқанд шаҳри худудидида тушириб қолдирилган. Ушбу ҳужжатни топганлардан мукофот эвазига қайтаришларини сўраймиз.

**Телефонлар: +99897-888-14-77, +99899-477-94-36.**

\*\*\*

### ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Умаров Акмалжон Шавкатович нотариал идорасида марҳум Мурад Абдуқоҳор Ашуровичга (2020 йил 18 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Умаров Акмалжон Шавкатович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 52-уй.**

\*\*\*

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заирова нотариал идорасида марҳум Мурад Лариса Лемановнага (2020 йил 1 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заирова нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улукбек кўчаси, 80-уй.**

\*\*\*

# Соҳибқироннинг "Кўктош"и

Ургут туманининг Бешкапа қишлоғида XIX асрнинг иккинчи ярмида туғилиб, XX асрнинг 30-йилларигача яшаган, Ватанимизнинг озодлиги учун жон фидо қилган кўрбоши Мирзаполон ҳар гал намозини "Эй Аллоҳим, бизга Соҳибқирон Амир Темурнинг Кўктошини озод қиришни насиб қилгин", деган тилак билан яқунлар экан.

Бу сатрларни ўқиганлар, Амир Темурнинг Кўктоши қанақа тош бўлган? Нега Мирзаполон бу тошни озод қиришни истаган экан, деган хаёлларга бориши мумкин.

## Кўктошда ўтирмаган АМИР ҲУҚМДОР ЭМАС(МИ?)

Тарихий манбаларда айтилишича, Амир Темурнинг тахти Кўктош деб аталиб, чўзинчоқ, тўрт-бурчак, кулранг қўринишли яхлит мармартошнинг

устига ўрнатилган. Бу тошнинг ёнларига моҳир тоштарошлар нафис нақшлар чизган ва унинг тўрт қиррасини устунсимон қилиб йўнишган.

Кўктош Соҳибқирон томонидан Самарқанд аркида бунёд қилинган тўрт қаватли, муҳташам Кўқсаройнинг тахтонасига ўрнатилган. Ҳашаматли қилиб безатилган бу хонада Амир Темур тахтада ўтириб, элчиларни, саломга келган аёнлар ва асладарларни қабул қилган. Шунингдек, ўз арзхўлини айтишга келган фуқароларнинг дардларини тинглаган.



Мирзо Бобур бу сарой ҳақида: "Самарқанд Аркида Темурбек бир улғу кўшқ солибтур, тўрт ошёнклик, Кўқсаройга мавсум ва машхур, бисёр олий имораттур", дейди.

Бу тош Соҳибқироннинг вафотидан сўнг ҳам теурийзодаларга тахт сифатида хизмат қилган. Соҳибқирон бобосининг тож-тахтини ноқонуний эгаллаган Халил Султон ҳам, отасининг кўмаги билан Самарқандни қўлга киритган Мирзо

Улуғбек ҳам Кўктош устига ўтириб давлатни бошқарган.

Соҳибқироннинг табарруқ изи қолган Кўктош тож-тахт ва ҳукмдорликнинг қонуний тимсоли бўлиб қолган эдики, теурийлардан сўнг Мовароуннаҳрда ҳукмдорлик қилган шайбонийлар, аштархонийлар ва манғитлар ҳам Кўктош устида расмий ўтириш маросимларини ўтказишга мажбур эди. Аштархонийлар ва манғитлар даврида, пойтахт Самарқанддан Бухорога кўчган вақтда Бухоро амirlари Самарқандга келиб, Кўктошга ўтириш маросимини ўтказар эди. Кўктошга ўтириш маросимини ўтказмаган янги амир ўзини тўлақонли амир ҳисоблай олмас, фуқаро ҳам унинг амирлигини тўла тан олмас эди. Бунга мисол қилиб, Чингизхоннинг сўнги авлоди бўлган Абулфайзхондан тахтни тортиб олган манғит Раҳимхон билан бўлган воқеани эслаш жоиз.

Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.



(Мақоланинг давомини Zarnews.uz сайтининг ушбу ҳаволаси орқали ўқишингиз мумкин).

Амир Темур дунё миқёсидаги даҳо шахсдир. Унинг ҳарбий-сиёсий фаолияти, бунёдкорлик, ободончилик ишлари ва фаолиятининг бошқа жиҳатларини, шунингдек, сулоласини ўрганиш, илмий ёритиш кейинги авлодларнинг иши бўлиб келган ва шундайлигига қолади. Тавқидлаш лозимки, узоқ тарихимизда ўзидан катта ёдгорлик қолдирган ва кўп йиллар ҳукм сурган сулола – айнан теурийлар сулоласидир.

# Мақбарада яна бир хилхона бор



Амир Темур мақбарасида теурийлар сулоласига мансуб кўп қабрлар бор. Яқинда биз мақбара ҳудудининг ғарбий қисмида жойлашган бир хонани назардан ўтказдик. Аслида бу хона Султон Абу Саид (1424-1469 й.), ҳукмронлик даври 1451-1469 й.) замонида хилхонага айланрилган эди. Хилхонада 8 та қабр бўлиб, қабртошларда теурийлар сулоласига тегишли маълумотлар бор.

**1-қабртош** Султон Абу Саид Кўрагоннинг қизи Ойша Султонбегимга тааллуқли бўлиб, унда марҳумнинг вафот этган санаси 877 хижрий йилнинг зулкаъда ойи (милодий 1473 йил), деб кўрсатилган.

Таъкидлаш лозимки, бу хилхонадаги марҳумларнинг аксарияти ёшлигида оламни тарк этган, давлат арбоби ёки олим шир бўлиб танилмаган. Шунинг учун тарихий манбаларда улар ҳақида деярли маълумот йўқ. Боз устига, шахзодаларнинг исмлари теурийлар сулоласи доирасида жуда кўп такрорланганки, баъзи чалқашликларга сабаб бўлади. Масалан, Амир Темур ва Султон Абу Саид ўғлининг

исми ҳам Умаршайх бўлган.

**2-қабртошнинг** тўрт томон айланасида Куръон оятларидан олинган дуолар ёзилган. Тошнинг устига эса Оятулкурсий ва Ёсин сурасининг охириги ояти ёзилган. Тошнинг бош ва оёқ томонларидаги ёзув Куръон ояти билан бошланиб, марҳумнинг исми – Робия Султон ва вафот этган сана – 858 хижрий йил жумодулаввал ойи (милодий 1454 йил) деб кўрсатилган, сўнг марҳумнинг ҳақиқига дуолар ёзилган. Робия Султон Султон Аҳмад Мирзонинг энг катта қизидир.

**3-қабртош** Мирзо Улуғбекнинг 870 хижрий (милодий 1466) йилда вафот этган қизи Оқобегимга тегишли эканлиги тошнинг бош ва оёқ томонларида битилган. Қабртошнинг ён томонларида эса 12 имомнинг исмлари ёзилган.

**4-қабртошнинг** бош ва оёқ ҳамда ён томонларида арабий ва форсий байтлар битилган. Бироқ марҳумнинг исми ва вафот этган санаси кўрсатилмаган, фақат Султон Абу Саиднинг наслидан эканлиги таъкидланган.

**5-қабртошда** "Маъсум амирзода Шохмансур ибн Султон Абу Саид

ҳижрий 865 йил жума кунни сафар ойининг 10-кунда вафот этган" деган ёзув бор (милодий 1461 йил).

**6-қабртошдаги** ёзувдан маълум бўлишича, бу қабр Султон Абу Саиднинг ўғли амирзода Жаҳонгир Султонники бўлиб, у хижрий 862 йил муҳаррам ойида (милодий 1458 йил) вафот этган.

**7-қабртошнинг** устида Оятулкурсий ва Ёсин сурасининг охириги ояти ёзилган. Айланасида Куръон оятларидан олинган дуолар битилган. Қабртошнинг бош ва оёқ томонларидаги ёзувнинг умумий таржимаси қуйидагича: "Дин ва дунё тизимининг соф кўриқчилари бўлмиш султонлар сулоласининг кўз қорачиги, ғурур дунёсидан сурур тўшагига кўтарилган Муҳаммад Жаҳонгир, Аллоҳ таоло розилик боғларидан маскан берсин, 860 хижрий йилнинг зулҳижжа ойида қабрга қўйилди" (милодий 1456 йил).

Муҳаммад Жаҳонгир Амир Темурнинг набираси Муҳаммад Султоннинг ўғли, яъни Соҳибқироннинг абирасидир.

**8-қабртош** устида Аллоҳнинг улуглигига далolat этувчи Куръони Карим оятларидан олинган дуолар ёзилган. Қабртошнинг бош томонида куйидаги сўзлар битилган: "Ушбу нури қабр соҳибаси улуг мартабали, солиҳа, сожиди, Амир Темурнинг ўғли Мироншоҳ Мирзонинг қизи Зубайда Султон (Аллоҳ мағфират қилсин)".

Қабртошнинг оёқ томонида эса: "Аллоҳ қабрини нури қилсин! 856 хижрий йил жумодулоҳир ойининг ўн бешинчи кунда вафот этган" (милодий 1453 йил), деб ёзилган. Қабрнинг икки ён томонларида Аллоҳнинг гўзал исмлари баёни, Куръони Карим оятларидан олинган турли дуолар ёзилган.

Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолияти, унинг авлоди билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар кўлами шу даражада кўп ва улканлиги, уларни ўрганиш, тадқиқ қилиш учун кўп тадқиқотчиларнинг азму ғайрати лозим. Шу ўринда бир тақлифни ўртага ташламоқчиман.

Францияда император Наполеоннинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганадиган махсус илмий-тадқиқот институти бор. Амир Темурнинг ҳарбий-сиёсий ва давлат арбоби сифатидаги фаолияти ниҳоятда кенг ва юксакки, Наполеонникидан кам эмас. Шунинг учун бизда ҳам унинг ва бошқа теурийларнинг ҳаёти ҳамда фаолиятини ўрганадиган махсус илмий-тадқиқот институти ташкил қилиш мақсадга мувофиқ.

Хўшнуд АБДУЛЛАЕВ, Амир Темур мақбараси мудири.

# Меъморчилик мўъжизасини яратди

Тарихий манбаларда Амир Темурнинг жасур қўмондон, тadbиркор ва донишманд давлат арбоби бўлганлиги таъкидланган. Аммо Соҳибқироннинг меъморчилик, шахарсозлик, санъат ва маданият, илм-фан соҳаларидаги хизмати беқиёс эди. Буни англаб етиш учун Ўрта Осиёнинг, қолаверса, дунёнинг XIII-XIV асрлардаги манзарасига назар солмоқ лозим.

XIII асрда содир бўлган мўғул истилоси нафақат Марказий Осиё халқлари, балки эрон, кавказ, араб мамлакатлари ва рус халқи бошига ҳам катта кулфатлар келтирган эди. Бу мамлакатлардаги обод розилик боғларидан маскан берсин, 860 хижрий йилнинг зулҳижжа ойида қабрга қўйилди" (милодий 1456 йил).

Амир Темур Мовароуннаҳрни нафақат ёвлардан халос қилди, балки бу ерда қудратли, юксак маданият, илм-маърифат, санъат, маданият бутунлай таназзулга учради. Мўғуллар истилосидан, айниқса, Мовароуннаҳр аҳолиси қаттиқ жабр кўрди. Бу мамлакат шу даражада вайрон бўлган эдики, унинг қайта тикланишига ҳеч ким умид қилмай қўйган эди.

Амир Темур Мовароуннаҳрни нафақат ёвлардан халос қилди, балки бу ерда қудратли, юксак маданият, илм-маърифат, санъат, маданият бутунлай таназзулга учради. Мўғуллар истилосидан, айниқса, Мовароуннаҳр аҳолиси қаттиқ жабр кўрди. Бу мамлакат шу даражада вайрон бўлган эдики, унинг қайта тикланишига ҳеч ким умид қилмай қўйган эди.

Шунинг учун Ғарб зиёлиларининг асарлар Европаликларга келиб, Кўктошга ўтириш маросимини ўтказар эди. Кўктошга ўтириш маросимини ўтказмаган янги амир ўзини тўлақонли амир ҳисоблай олмас, фуқаро ҳам унинг амирлигини тўла тан олмас эди. Бунга мисол қилиб, Чингизхоннинг сўнги авлоди бўлган Абулфайзхондан тахтни тортиб олган манғит Раҳимхон билан бўлган воқеани эслаш жоиз.

1553 йил чоп этилган ушбу китобда Амир Темур ҳақида кўпгина қизиқарли маълумотлар жамланган. Европаликлар Амир Темур ҳақида ёзилган асарларни ўз тилларига таржима қилиб чоп эттиришга ҳам алоҳида урғу берган. Жумладан, Шарофиддин Али Яздийнинг "Зафарнома" асари Пети дели Круа томонидан таржима қилиниб, 1722 йилда Самарқандда яшаган араб тарихчиси Ибн Арабшоҳнинг "Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Темур" ("Теурийлар" тарихида тақдир ажойиботлари) асарини Р.Вотье француз тилига таржима қилиб, 1798 йил Парижда нашр эттирган. Абдураззоқ Самарқандийнинг "Матлаи-саъдайн ва мажмуи-бахрайн" асари 1743 йилда нашр этилган.

Европалик расомлар ва ҳайкалтарошларнинг Амир Темур сиймосига қизиқиши ҳам алоҳида мавзу. Италия, Голландия, Франция ва англиялик расомларнинг Соҳибқирон акс эттирилган суратлари бугун дунёнинг машхур музейларида сақланмоқда. Амир Темурнинг соф олтиндан қўйилган ҳайкали Францияда кўргазмага қўйилган. Германиянинг Потсдам шаҳридаги немис қироли Фридрих саройида Амир Темур тасвирланган улкан сурат ҳамон осиглиқ турибди. Сурат осилган ҳашаматли хона "Теуур зали" деб аталади.

Қариб 20 йилдан буён Франция пойтахти Париж шаҳрида Теурийлар тарихи ва маданиятини ўрганивчилар ассоциацияси фаолият кўрсатмоқда. Ассоциация наشري "Теурийлар" журнали ўз саҳифаларида Соҳибқирон ва теурийлар тарихига оид долзарб мақолаларни чоп этиб келади.

Қўзибой МАМАРАИМОВ, Халқаро Амир Темур жағмағмаси вилоят бўлими бошлиғи, иқтисод фанлари доктори.

# Самарқандга кинокарвон келди

Вилоят ҳокимлиги ҳамда "Ўзбекино" миллий агентлиги ташаббуси билан Самарқандда "Янги Ўзбекистон ва миллий кинематография" широй остида "Кинокарвони" тарғибот гуруҳи ижодкорларининг ижодий учрашувлари ўтказилди.



Бобур Йўлдошев, Азиз Раметовлар билан бўлган самимий мулоқотлар, қизгин савол-жавоблар кино ихлосмандларини қувонтирди. Шу вақтгача фильм премьералари фақат пойтахтда ўтказиларди. Бу йил чекка ҳудудларда ҳам янги фильмлар тақдироти ижодкорлар иштирокида намойиш этилгани, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга, уларнинг маънавий оламини бойитишга хизмат қилди.

"Кинокарвони" тарғибот гуруҳи Самарқанд шаҳридаги Ёшлар марказида киноихлосмандлар билан учрашди ва "Ўзбекино" миллий агентлиги бююртмасига асосан суратга олинган "Мен террорчи эмасман" бадийий фильмининг тақдироти ўтказилди. Унда фильм продюсери Нодир Мўминов, постановкачи режиссёр Муҳаммадали Искандаров ва актёрлар иштирок этди. "Шарқ юлдузи" кинотеатрида режиссёр Зулфқор Мусақовнинг "Хайрат" бадийий фильмининг тақдироти ҳам ёшларда катта таассурот қолдирди. Фильм сценарист ҳаёти ва унга туташ ижод йўли, санъатни хусусан, кино санъатининг, яратилиш жараёни ҳақида

сўзлайди. Унда Бобур Йўлдошев, Феруза Саидова, Нигора Каримбоева, Фарход Абдуллаев, Шаҳноза Валиева каби актёр ва актрисаларимизнинг маҳоратли ижросига ғувоҳ бўлиш мумкин.

Кўшработ тумани 5-болалар мусиқа ва санъат мактабида "Илҳак", Пайрак тумани 1-маданият марказида "Тинчлик ортида", Паст Даргом тумани марказий маданият марказида "Кўқон шамоли", Нуробод тумани 18-болалар мусиқа ва санъат мактабида "Маҳмудхўжа Беҳбудий" бадийий фильмлари намойиш этилди. Каттақўрғон шаҳар драма театрида "Орзулар қанотида", Ургут тумани "Ургут" кинотеатрида "Мен террорчи эмасман" бадийий фильми ижодкорлари аъзолари билан учрашув ва фильм тақдироти ўтказилди.

Шунингдек, карвон билан бирга йўлга чиққан cinemobil - кўчма кинотеатр илк бор олис қишлоқларга бориб, маҳаллий аҳоли учун "Мен террорчи эмасман", "Орзулар қанотида" ва "Хайрат" фильмларини намойиш этди.

Насиба ЖОНТЎРАЕВА.

## ШУ ОЙДА ТАВАЛЛУД TOPGANLAR

**12 АПРЕЛЬ**  
**МУРОД МУҲАММАД ДЎСТ** – 1949 йилда Нуробод туманида туғилган. Ёзувчи ва жамоат арбоби.  
**Зулайхо НОРҚУЛОВА** – (1937-2015) Пахтачи туманида туғилган. Меҳнат қаҳрамони.

**13 АПРЕЛЬ**  
**Аҳтам ЎРОЛОВ** – 1947 йилда Қўшработ туманида туғилган. Архитектура фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мурабийси.



## Мустақиллик йиллари Самарқандда

### 2001 йил, май

12-13 май кунлари "Кэй-дэй Доюкай" ассоциацияси президенти Коити Минагути раҳбарлигидаги Япония делегацияси Самарқандда бўлди.

Самарқанд давлат чет тиллар институтида олийгоҳ билан АҚШ департаменти таълим ва маданият бюроси ҳамкорлигида "Ўзбекистонда туризмин ривожлантириш истиқболлари ва халқаро муносабатларни ривожлантиришда чет тилларнинг ўрни" мавзусидаги халқаро илмий анжуман ўтказилди.

23 май кунни Германия Федератив Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ф.Шейер бошчилигидаги делегация Самарқандга келди.

### ИЮНЬ

Вилоят пиллакорлари 2050 тонна сифатли санот хомашёси тайёрлади.

Ниппон-кемпо (Япония кўл жанги) спорт тури бўйича Самарқандда биринчи бор вилоят чемпионати ўтказилди.

Борт Стаес раҳбарлигидаги Европа парламентининг Марказий Осиё давлатлари ва Мўғулистон билан алоқалар бўйича делегацияси Самарқандга келди.

### ИЮЛЬ

13 июль кунни вилоят ҳокимининг қарорига кўра, Зойир Мирзаев вилоят ҳокимлиги молия бошқармаси бошлиғи этиб тайинланди.

Вилоят ҳокими Э.Рўзиев "Шарқ тароналари" учинчи халқаро мусиқа фестивалига тайёргарлик кўриш ҳақида қарор қабул қилди.

Хитой Халқ Республикаси Олий суди раиси ўринбосари Чжу Миншан Самарқандда бўлди.

### АВГУСТ

Жорий йилнинг биринчи ярмида кичик ва ўрта корхоналар сони 1434 тага кўпайиб, уларнинг умумий сони 21 минг 976 тага етди ва 5873 та янги иш ўрни яратилди.

Вилоятда 4 та давлат театри, 783 та мактабгача таълим ташкилоти фаолият кўрсатмоқда.

Сартпа масканида 600 нафар ўқувчиға мўлжалланган туризм ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Самарқанддаги Халқаро тинчлик ва бирдамлик музейига Президент Ислам Каримов ўз дастхати битилган портретни совға қилди.

Zarafshon Самарқандский ВЕСТНИК

MUASSIS: «Zarafshon» va «Самарқандский вестник» gazetalarini tahririyati mas'uliyati cheklangan jamiyati

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV. Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat matbuot va axborot boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 17 080 nusxada chop etildi. Buyurtma 252. Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56. BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61. MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi. Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi. «Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi. Korxonamanzil: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy. Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da. Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir: A.SHERXOLOV. Navbatchi: O'.XUDOYBERDIYEV. Sahifalovchi: B.ABDULLAYEV. Sotuvda narxi kelishilgan holda

ISSN-201667X. 9 772010 667009